ЎЗБЕК ТИЛИ 7-синф 2-вариант

1. Ҳайвон, паррандаларни келиш - кетиш, тўхтатиш кабиларга ундашни билдирувчи сўзлар –
А) Ҳис-ҳаяжон ундовлари. Б) Буйруқ-хитоб ундовлари.
В) Жуфт ундовлар. Г) Такрорий ундовлар.
Д) Ясама ундовлар.

2. Ҳис-ҳаяжон ундовини аниқланг.
А) Беҳ-беҳ Б) Чуҳ
В) Кишт Г) Ҳайбар
Д) Офарин.

3. Ҳайдаш-чақириш ундовларини белгиланг.
А) Қуррей – қуррей, хўш, пишт. Б) О, эҳ, уҳ,э.
В) Беҳ-беҳ, балли, уф. Г) Вой, ура, кишт.
Д) Офарин, хайр, хуш.

4. Ундов сўз қатнашган гапни аниқланг.
А) Ақлли бир йигит бўлиб, унинг ўрганишга бўлган иштиёқи ниҳоятда баланд эди.
Б) Билмаганларимни сўраб қолишса жуда уяламан!
В) Ўнг томонда фақат қишлоқ кўринарди.
Г) Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?
Д) Чу, чу, сарайғир! Чу, чу, сарайғир!

5. Нутқий одат ундовлари саналадиган сўзлар берилган қаторни белгиланг.
А) Уф, баракалла, раҳмат. Б) Хўш, офарин, чип-чип.
В) Эй, о, бай-бай. Г) Раҳмат,марҳамат, салом.
Д) Оҳ, эҳ, аттанг.

6. Ғув-ғув, қий-чув, ялт-юлт, ғуж-ғуж, тақир-туқур каби сўзлар –
А) Ундовлар дейилади. Б) Тақлид сўзлар деб аталади.
В) Боғловчилар. Г) Кўмакчилар.
Д) Ёрдамчи сўз туркуми.

7. Тақлид сўзни белгиланг.
А) Мўлт-мўлт. Б) Учун.
В) Вай-вай. Г) Ура.
Д) Тасанно.

8. Тақлид сўз қатнашган гапни аниқланг.
А) Асалхонни қушларнинг чуғур-чуғури уйғотиб юборди.
Б) Вақтинг кетди – нақдинг кетди.
В) Ўт керак жойда аланга бўлади, сўндириш керак жойда эса сув бўлади.
Г) Иккови бир бўлиб уни минг ёққа тортқилай кетди.
Д) Тепаликнинг кунга бетгай томонида чучмомалар ерни ёриб чиқа бошлаган.

9. Ҳолатга тақлидни билдирган сўзни аниқланг.
А) Шивир-шивир. Б) Тарс-турс.
В) Вақир-вуқур. Г) Мўлт-мўлт.
Д) Шақ-шуқ.

10. Ўҳ-ҳў, намунча катта кетдингиз! Ушбу гапдаги ундов сўз қайси маъноларни англатяпти?
А) Фаҳрланиш. Б) Мағрурланиш.
В) Менсимаслик. Г) Эътироз.
Д) Қойил қолиш.